

ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУЗЕЙЛАРНИНГ ЎРНИ

Сайитова Лола Исроиловна

(+99833.464.76.64.)

“Қосим Шайх” мажмуа музейи ходими

Аннотация: Ушбу мақолада музейларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти хусусан, ёшлар маънавий дунёқарашини шакллантиришдаги роли илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Музейлар тарихий-маданий меросни сақлаш, тадқиқ этиш ва кенг жамоатчиликка етказишнинг муҳим институти сифатида қаралади. Шунингдек улар орқали миллий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб этиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг маданий онгини юксалтириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Музейшунослик, маданий мерос, маънавий тарбия, ёшлар сиёсати, миллий қадриятлар, экспозиция, музей фаолияти, маърифий жараён, тарихий хотира, маданий ривожланиш.

Аннотация: В данной статье научно анализируется роль и значение музеев в жизни общества, в частности их влияние на формирование духовного мировоззрения молодежи. Музеи рассматриваются как важный институт сохранения, исследования и популяризации историко-культурного наследия среди широкой общественности. Также освещаются вопросы пропаганды национальных и общечеловеческих ценностей посредством музейной деятельности, воспитания молодого поколения в духе патриотизма и повышения уровня их культурного сознания.

Ключевые слова: музееведение, культурное наследие, духовное воспитание, молодежная политика, национальные ценности, экспозиция, музейная деятельность, просветительский процесс, историческая память, культурное развитие.

Abstract: This article scientifically analyzes the role and significance of museums in society, particularly their influence on shaping the spiritual worldview of young people. Museums are regarded as important institutions for preserving, researching, and promoting historical and cultural heritage to the wider public. The article also highlights the promotion of national and universal values through museum activities, the education of the younger generation in the spirit of patriotism, and the enhancement of their cultural awareness.

Keywords: museology, cultural heritage, spiritual education, youth policy, national values, exposition, museum activity, educational process, historical memory, cultural development.

“Музейлар – халқимизнинг бой тарихи, маданияти ва маънавий меросини келажак авлодларга етказувчи муҳим маърифат масканларидир”

М.Ш.Мирзиёев

Ёшлар маънавий дунёқарашини шакллантириш ниҳоятда мураккаб маъсулиятли вазифадир. Юксак маънавиятли билимдон ёшларни ўтмиш тарихимиз билан таништириш, миллий ўзликни англашда, улардаги бадий дидли, маънавий дунёқарашни шакллантиришда музейларнинг ўрни беқиёсдир. Зеро, ўтмишни, тарих тажрибасини ўрганиш аждодлар яратган бетакрор моддий маънавий меросни асрашда музейлар фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Халқимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон худудида жойлашган музейлар ишини янада такомиллаштириш, уларни халқнинг маънавий ахлоқий камолотидаги ўрнини янада оширишга катта эътибор қаратила бошлади. Натижада музейларнинг кадриятларимиз, бой тарихимиз, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатлар билан бойитишга, шунингдек, уларнинг жаҳон стандартларига мослашга, дунёга танитишга эътибор қаратилди. Музейларнинг ёшларимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол мафкураси ғояларини шакллантиришдаги муҳим омил экани, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрнига алоҳида эътибор берила бошланди. Шунини таъкидлаш лозимки Республикамызда турли соҳалар бўйича фаолият юритаётган музейлар мамлакатимизнинг бой маданий ва маънавий меросини ўрганишда катта манбаа ҳисобланади. Музейларнинг таълим тарбиявий вазифасидан келиб чиққан ҳолда уни амалга ошириш ва барча таълим муассасалари билан музейлар ҳамкорлигини ташкил этиш, музей экспонатларидан кенг фойдаланиш ёшлар маънавияти ҳамда илмий дунёқарашни ўстиришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки музейлар ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашда маданий – тарихий, табиий – илмий кадриятларни йиғувчи ижтимоий институт саналади. Шунинг учун ҳам музей ва мактабларнинг таълим – тарбия соҳасидаги фаолиятига тизимли ва дастурли ёндашиш талаб этилади. Шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинган дастлабки йиллардан оқ Биринчи Президентимиз И.А.Каримов халқимизнинг собиқ шўролар даврида эътибордан четда қолган ўзига хос кадриятларини, тарихимизни холисона чуқур ва атрофлича ўрганишга аҳамият бера бошлади. Бу борада музейларни ўрни муҳим эканлигидан келиб чиқиб, 1994 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика музейлар фаолиятини яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида”ги 618 – сонли, 1998 йил 5 декабрдаги “Музейлар фаолиятини қўллаб – қувватлатлаш масалалари”га оид 98 – сонли қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги 1913 – сонли “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва

такимплаштириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинган. Нима учун музейларга шунчалик эътибор берилмоқда? – деган савол туғилиши мумкин. Менимча бунинг сабаблари қўйидагилардан иборат:

1 – чидан, музей инсонни ўтмиш ва бугунги кун билан боғлаб турадиган маскан. Ёшларда миллий ғояни шакллантиришда муҳим омил.

2 – чидан, музей ўтмиш, аجدодларимиз босиб ўтган йўл, уларнинг иш фаолияти, турмуши, яшаш шароити, урф – одатлари ҳақида илмий маълумотлар берувчи маскан.

3 – чидан, музей ўзининг мазмунига қараб маданий ва диний кадрларимиз, қадимий урф – одатларимиз, диний байрамлар, маросимлар ҳақида маълумотлар оладиган жой.

4 – чидан, музей ёшларга тарихимизни аجدодлар ва ота – боболар босиб ўтган йўллар ҳақида маълумот бериш билан бирга ёшларда ўтмиш тарихимизга ифтихор билан қарашга ўргатади, Уларда Ватанга бўлган меҳр – муҳаббат туйғусини шакллантириш билан бирга уларни дунёқарашларини оширади, бадий эстетик дидни кучайтиради. Музейлар ёшлар учун нафақат маънавий озуқа маскани бўлибгина қолмай, уларни бадий эстетик туйғуси миллий ўзлигини англаш, маънавий дунёқарашни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда Музейлар фаолияти кўп қиррали бўлиб, музей ходимлари ва раҳбарларидан катта ғайрат, куч, истеъдод ва ташаббускорликни талаб қилади.

18-май Халқаро Музейлар куни муносабати билан барча музей ходимлари ҳамкасбларимни чин қалбимдан табриклайман. Ушбу маъсулиятли, машаққатли ва шарафли касб эгаси эканлигимдан фахрланаман.

Жорий йилнинг 18-май — ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ муносабати билан Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида кенг кўламли “ОЧИҚ ЭШИКЛАР” кунини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Тадбирнинг асосий мақсади аҳоли, айниқса ёш авлоднинг миллий тарихимиз, бой маданий меросимиз ва музей фаолиятига бўлган қизиқишини янада оширишдан иборат.

Режалаштирилган тадбир давомида музейга ташриф буюрувчилар музей экспозициялари, қадимий тарихий экспонатлар ҳамда ноёб маданий мерос намуналари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишлари кутилмоқда. Шунингдек, ташриф буюрувчиларга музей ходимлари томонидан экспонатлар тарихи, уларнинг аҳамияти ва сақланиш жараёнлари ҳақида батафсил маълумотлар берилиши режалаштирилган.

“ОЧИҚ ЭШИКЛАР” куни доирасида ўқув муассасалари билан ҳамкорликда турли маънавий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар ҳамда маҳорат дарсларини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Маҳорат дарслари давомида иштирокчилар миллий ҳунармандчилик, амалий санъат ва тарихий

кадриятларимизга оид қизиқарли машғулотларда иштирок этишлари режалаштирилмоқда.

Мазкур тадбир музей ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда миллий меросимизни кенг тарғиб этишга хизмат қилиши кутилмоқда.

Хулоса

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, музейлар ёшлар маънавий дунёқарашини шакллантиришда муҳим ижтимоий-маърифий институт ҳисобланади. Улар орқали ёш авлод ўз халқи тарихи, миллий кадриятлари, урф-одатлари ва маданий мероси билан яқиндан танишади. Музейлар нафақат тарихий ашёларни сақловчи маскан, балки ёшларда миллий ғурур, ватанпарварлик, маънавий баркамоллик ва эстетик дидни тарбияловчи муҳим тарбия ўчоғидир. Шу боис музейлар фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг таълим муассасалари билан ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда ёшларни музейларга кенг жалб этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, ўз тарихини англаган, маънавий меросига ҳурмат билан қарайдиган ёшларгина мамлакатнинг келажак тараққиётига муносиб ҳисса қўша олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И,А-Юксак маънавият –енгилмас куч.Тошкент.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
4. -1994 йил 232 декабр 618-сонли қарор.
5. -1998 йил 5 декабр музейлар фаолиятига оид қарор.
6. Ўзбекистон тарихи ва маданияти бўйича ўқув қўлланмалар.